ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИКА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР ВА УНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ОДИМЛАР (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

Элёр Абдуллажонович Раҳмонов
Қўқон давлат педагогика институти “Тарих” кафедраси ўқитувчиси
elyor.rahmonov.84@yandex.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафасидаги йилларда юз берган ижтимоий муаммолари Фарғона воийси мисолида очиб берилган. Советлар хокимиятининг сўнги йилларида Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида юз берган миллатлараро низо, ишсизлик, уй-жой муаммоси, турли юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши, ижтимоий соҳа муассасаларининг нобоб биноларда жойлаштирилиши каби ижтимоий муаммолар юзага келган. Шунингдек мақолада ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлидаги тарихий одимлар, хусусан, Республика биринчи Президенти И.А.Каримовнинг биринчи рахбар сифатидаги сиёсий ташаббускорликлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мафкуравий тазийқ, миллатлараро низо, ишсизлик, иқтисодий инқироз, уй-жой муаммоси, ижтимоий соҳа муассасалари, мустақиллик сари қадам.

SOCIAL PROBLEMS OF UZBEKISTAN AT THE TIME OF GETTING INDEPENDENCE AND HISTORICAL STEPS TO SOLVE THEM (ON THE EXAMPLE OF FERGANA VALLEY)

Elyor Abdullajonovich Rahmonov
Teacher of History department of Kokand State Pedagogical Institute
elyor.rahmonov.84@yandex.ru

ABSTRACT

The article describes the social problems of Uzbekistan in the years leading up to independence on the example of Fergana Valley. In recent years of Soviet rule, Uzbekistan has experienced social problems, including ethnic strife in Fergana Valley, unemployment, housing problems, the spread of various infectious diseases, and the placement of social facilities in dilapidated buildings. The article also highlights the

historical steps towards overcoming social problems, in particular, the political initiatives of the first President of the Republic IA Karimov as the first leader.

Keywords: ideological oppression, ethnic conflict, unemployment, economic crisis, housing problem, social institutions, step towards independence, market relations.

КИРИШ

Мамлакат ва миллатнинг ривожланиши, унинг келажаги кўп жиҳатдан аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигига ҳам боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий ҳимоя тизимисиз мамлакат тараққиётини тасаввур этиш жуда қийин. Зеро юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларимизнинг қонунчилик асосларини замон талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришларни киритиш жараёни янада тараққий этмоқда ва фуқоролик жамиятини барпо этишнинг узвий омили бўлиб қолган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг эволюцияси ўзининг истиқболли натижалари билан тараққий этмоқда. “Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси (2017-2021)” негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги олий қадрият эканлиги эълон қилиниши, шу мақсад сари давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан ижтимоий соҳада ислоҳотларнинг янги босқичини амалга оширилиши мамлакатимизнинг демократик давлат, иқтисодий ислоҳотларимизнинг эса ижтимоий йўналтирилганлигининг исботидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамият тарақиётининг устувор йўналишини ташкил этувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати соҳаси тадқиқотчиларининг диққат эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келган. Совет тузуми давридаги ижтимоий-сиёсий нашрлар ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатига доир асарларда марксча-ленинча таълимотнинг назарий андозаларига амал қилинган. Коммунистик мафкура ва сиёсий зўровонлик шароитида яратилган кўплаб адабиётлар совет жамияти учун умумий бўлган нуқсонлари билан ажралиб туради. Мақола мавзусини таҳлил этишга бағишланган ишларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси совет тузуми даврида нашр қилинган ишлар бўлса, иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида чоп этилган бўлиб, Совет тузуми ва мустақиллик йиллари ҳақида маълумот берувчи республикада ва хорижда чоп этилган ишларни киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирган адабиётлар совет тузуми даврида нашр қилинган бўлсада, уларда масаланинг илмий-назарий концептуал жиҳатлари, республикада мавжуд бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ҳолати, уларнинг республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашга қўшган ҳиссаси очиб берилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда муаллифлар синфий-сиёсий ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган даврда ўрганилаётган масалаларни ҳолисона таҳлил қилиш, уларни танқидий ёритиш имконидан маҳрум бўлган. Адабиётларнинг асосий мазмуни ўрганилаётган воқеаларни ҳаддан ташқари мафкуравий ва сиёсий тус бериш, кўкларга кўтариб мақташ ва бу борада коммунистик партиянинг ролини бўрттириб кўрсатишдан иборат бўлган. Бунга мисол қилиб Таксанов.А (Қишлоқда саноат ишчилар синфининг ривожланиши.// Ўзбекистон коммунисти.-Т.:1987, №7), Саликов Р.А, Копылов.И.Я, Юнусов.Э.Ю (Нацианальные процессы в СССР.М. Наука.1987), Кузмина А.А, Ноткин А.Т (Перестройка:демократия социализм.Погружение в трясину.М. Прогресс.1991) каби муаллифларнинг асарларини ҳамда «Народное хозяйство Узбекской ССР» ва бошқа журналлар, статистик маълумотларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ манбалар Мустақиллик йилларида нашр қилинган бўлиб, унда Совет тузуми даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳолати ва Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиши туфайли фуқаро турмушидаги ўзгаришлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида барқарорлашув юзага келиши ҳақидаги маълумотлар аниқ далилий фактлар асосида баён қилиниши билан қадрлидир.

Жумладан, Каримов И.А (“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”-Т.:Ўзбекистон, 2012.), Зиёев.Ҳ (Тарих –ўтмиш ва келажак кўзгуси.Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.2000.), Жўраев М (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги дарида.Т.: Шарқ.2000), Алимов.Д.А (Женский вопрос в Средней Азии: История изучения современные проблемы.Т.: Фан.1991.), Бобожонова Д.Б(Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий муносабатлар.Т.: Шарқ.1999), Юнусова Х.Э (Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсвти ва унинг оқибатлари (XX асрнинг80 йиллари мисолида)-Т.:Зар қалам.2005.) асарларида Совет хокимиятининг сўнги йилларидаги ижтимоий муаммолар, ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиши асослари ёритиб берилган.

НАТИЖАЛАР

Совет хокимияти шароитида ижтимоий ҳимоя тизими ташкил этилган, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, улар асосан собиқ марказнинг манфаатлари учун хизмат қилар ва уларнинг рухсати билан амалга оширилар эди.

Советлар ҳукмронлиги йилларида сохта коммунистик мафкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги нотўғри, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 80- йиллар охирига келиб Ўзбекистон аҳолисининг яшаш шароитларини оғирлаштириб, кўплаб муаммолар исканжасига солган. Аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайиб кетиши, Республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида номутаносибликлар вужудга келган.

Шунингдек, Ўзбекистон мустақилликка эришишига қадар аҳолини ижтимоий муаммоларини бартараф этишга тўсиқ бўлувчи бир қатор омиллар мавжуд эди. Хусусан Ўзбекистон ССРни собиқ марказ томонидан ҳар томонлама таъзиқ остига олиниши, “Қайта қуриш” сиёсатининг барбод бўлиши оқибатида юзага келган оғир иқтисодий танглик эди.

Бу даврга келганда айниқса, ахолининг иш билан бандлиги муаммоси мухим ва ўткир тус олди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг иш кучига хаддан ташқари тўйинганлиги, мехнатга лаёкатли бўлсада, ишламайдиган ахолининг микдори ўсишда давом этаётганлиги, иш кучи талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жихатдан номутаносиблиги, узоқ йиллар давомида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг хисобга олинмаганлиги кишиларнинг турмуш даражасига жиддий зарар етказиб, жамиятда ижтимоий кескинликнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда эди. Иш жойларини яратиш марказий ва маҳаллий махкамаларнинг монополиясига айланган эди. Маҳаллий ташкилотлар эса иш жойи яратиш учун на моддий, на хуқуқий имкониятга эга эмасдилар. Маҳкамани маҳаллий аҳолининг ташвишлари қизиқтирмас, уларга тайёргина мутахасис керак эди[11].

Бу омиллар катта шахарларда хар бир квадрат метр майдонга тўғри келадиган ахоли сонининг купайиб, одамлар нихоятда зич яшаётганлиги билан боғлиқ муаммони келтириб чиқардики, бу муаммо ишсизлик каби ижтимоий иллатнинг хам келиб чиқишига тааллуқлидир. Бундай ахвол, айниқса, Фарғона

водийсидаги йирик шахарларга кўпроқ тааллуклидир. 1985 йилнинг 1 январида Андижон вилоятида 1 кв. км майдонга 370 киши, Фарғонада 273,7 Наманганда эса 164,9 киши тўғри келар эди[1: 105-б]. Бу кўрсаткичлар кейинги йилларда янада кўпайди. Лекин шусиз ҳам тушунарлики, ахолининг хаддан ташқари тиғизлиги, унинг табиий ва бошқа минтақалардан ишчи кучларини келтириш хисобига ўсиш суръатларининг юқорилиги ахоли шундай хам тиғиз жойлашган шахарларда беистисно барча ижтимоий муаммоларни яна ҳам кўпроқ мураккаблаштириб юборди.

Ўзбекистонда 1989-йилнинг 2-ярмидан мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида илк ижобий ўзгаришлар бошланди. Хусусан аҳолини ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масаласи долзарблиги Фарғона вилоятида яққол номоён бўлди. Ушбу ҳудудда юзага келган оғир ижтимоий муаммолар миллатлараро муносабатларнинг салбий бузулишида акс этди. Юзага келган оғир ижтимоий- иқтисодий холатни бартараф этиш чоралари ва ижобий натижалари бевосита И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлиги лавозимига келиши билан боғликдир.

И. А. Каримовнинг 1989-йил 24- июнида Ўзбекистон ССР Минстрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида сўзлаган ,,Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” номли нутқида Фарғона водийсидаги мавжуд ҳолатга изоҳ берилади:,,…ҳозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларининг сабабларини турлича изоҳлашмоқда …Лекин шу нарса аёнки барча воқеаларнинг илдизи Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий – иқтисодий аҳволи билан боғлиқ,..”[4]

Аҳолининг ижтимоий химоялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва энг аввало унинг иқтисодий асосларини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилди. И.А.Каримов ўз нутқида ,,Бугун биз масалани кенгроқ қўйишимиз, одамларни қандай боқиш, Фарғона водийсида яшаётган аҳолини моддий фаровонлигини қандай қилиб яхшилаш ҳақида сўз юритишимиз зарур”лигини таъкидлаб, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш жараёнида илк тарихий одимларга йўл очиб берди[4].

МУҲОКАМА

Аҳолини ижтимоий химоялаш жараёнининг иқтисодий асосларини яратишда энг аввало ишсизлик масаласини бартараф этишга эътибор қаратилди. Хусусан И.А. Каримовнинг “Агар Фарғона водийси ҳақида сўз юритадиган

бўлсак, биз ҳал этмоқчи бўлган масала битта – қандай қилиб ишчи ўринларни яратиш, бунинг учун нима қилишимиз керак?" [4] фикри эътиборлидир. "Комуна" газетасида чоп этилган "Ҳаёлми ҳақиқат" мақоласида ушбу ижтимоий муаммога эътиборсизлик натижасида юзага келган ҳолатларга баҳо берилиб, қуйдаги фикрлар баён қилинади – "…беихтиёр кўз олдимизда 1989-йилнинг таҳликали июн ойидаги воқеалар яна қайтадан гавдаланди. Кўчага дарғазаб отилиб чиққан ёшлар - яланглярнинг қисми бирор касбнинг этагидан тутмаган …бир сўз билан айтганда, ишсизлар эди. Уларни дини, маданияти, урф-одати, тўй маросимлари деярли бир хил месхети туркларига нисбатан адоват кўчага отлантиргани, ғазабини жунбушга келтиргани йўқ. Уларни асосан неча йиллардан буён тан олинмаган ижтимоий адолатсизлик, бизнинг "энг одил энг инсонпарвар" жамиятимизга "мутлақо ёт" бўлган ишсизлик, эртанги кунга ишончсизлик дарғазаб қилган"[6].

Ўзбекистон хукумати собиқ совет хокимияти сиёсий ва иқтисодий таъсирида бўлишига қарамасдан ижтимоий муаммоларни ижобий хал этиш борасида тарихий одимларни бошлади. Жумладан энг авволо ҳалқнинг иқтисодий ҳаётини пойдевори булган аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш масаласида давлат сиёсатининг шаклланиши бошланди. Умуман олганда Ўзбекистонда 1990 йилда жами мавжуд меҳнат ресурслари 10 млн. кишини ташкил этган. Шундан 5152, 2 минг киши давлат секторларида, 1,5 млн. киши кооператив секторидаги корхона ва ташкилотларда, 1,1 млн. киши индивидуал секторда иш билан банд бўлган. Бир миллиондан кўпроқ киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, тахминан 0,8 млн киши уй хўжалиги ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлган.[3]

Янги иш ўринларини яратиш масаласидаги амалий тадбирлар Фарғона водийси вилоятларида ҳам ўз ижобий натижаларини кўрсатди. Хусусан Фарғона вилоятида 1989-йилнинг октябрига қадар 61 минг доимий ёки турғун ишсиз ҳисобга олинган бўлса, уларнинг 37 мингги ишга жойланди ўқув юртларига юборилди.[6] Шунингдек 1990-йил 25-январда област партия қўмитаси бюросида қабул қилган "Фарғона вилоятида меҳнатга яроқли аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ишлари ҳақида" қарор ижросига тўхталсак, 1990-йилда вилоят шаҳар ва туманларида "Бандлик" ҳизмати, меҳнат бошқармаси қишлоқ ва посилка кенгашларида социал масалалар бўйича ҳизмат идоралари ташкил этилди. Улар йўли билан ишда банд бўлмаганлар ҳисобига 50 мингдан ортиқ киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилди. Касаба уюшмалари ва комсамол ташкилотлари ҳам област партия қўмитаси буюроси қарорини амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқишди. Шу

асосда ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга тортиш комиссияси билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаган 16 мингдан кўпроқ ёшлар ишлаб чиқаришга жойлаштирилди. Улардан 9 мингдан кўпроғи олий билимгоҳлар, техникумлар, ҳунар–техника билим юртлари ва турли курсларда ўқишни давом эттирди.[4] Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш борасида Андижон вилоятида ҳам ижобий силжишлар кузатилди. Жумладан, Жалалқудуқ туманида 1989 йилда 600 киши ишга жойлаштирилди. Бунда кооператив харакати ва якка тартибдаги мехнат фаолиятига кенг йўл очилиши хам катта аҳамият касб этди [9]

Фарғона водийси каби аҳоли зич жойлашган ва тез ўсиб борувчи худуд учун уй-жой муаммосининг ижтимоий аҳамияти ва кескинлиги бу муаммога жиддий муносабатда бўлишни тақозо этарди. Лекин совет тузуми йилларида, хусусан 80-йилларда ҳам уй-жой билан аҳолини тўла (ижобий) таъминлаш тўғрисида турли хил тадбирлар ўтказилган, тавсиялар белгиланган ва кўплаб қарорлар қабул қилинган бўлсада, аммо бу муаммо Фарғона водийсида энг кескин ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолаверди.

Фарғона водийси аҳолисини уй-жой билан таъминлаш республика ва иттифоқ ўртача даражасидан ҳам орқада қолаётган эди. Масалан, Фарғона вилояти аҳолисининг турар-жой билан таъминланиши иттифоқ бўйича ўртача даражанинг тўртдан биридан ҳам оз эди. 1989 йилнинг бошларида шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан 28 минг оила ўз уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турар, 526 киши эса авария ҳолатидаги турар-жой шароитида яшамоқда эди[5].

Мавжуд сиёсий беқарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик шароитида нақадар оғир ва қалтис бўлишига қарамасдан ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш зарурлигини чуқур англаган республикамиз биринчи раҳбари аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани – аҳолига томорқа ер бериш масаласини тартибига қўяди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990- йилларда бир ярим млндан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди [4].

Ўзбекистон компартияси марказий комитети, жумхурият Олий кенгаши Президиуми, Вазирлар кенгашининг 1989-йил 15 августда қабул қилган қарори, Фарғона вилояти ижрои қўмитасини шу асосида тегишли фармойишидан сўнг 97729 янги оилага 12100 гектардан ортиқ томорқа хўжаликлари ажратиб берилди. Салкам 102 минг оила эса томорқа участкаларини 5516 гектарга кенгайтирдилар. Юқоридаги қарор бўйича жами 208 584 оила 17617 гектар

томорқа ери олди...кейинги икки йил (1989-1991 йиллар) ичида юқоридаги қарор ва фармонлар ижроси бўйича жами 323 минг 347 оила 32 минг 421 гектар томорқа ери олди. Фарғона вилояти қишлоқларида истиқомат қилаётган 337минг 636 оила ихтиёридаги томорқа ери эса ўртача 16 сўтихданга, жами 57939 гектарга етди.[8]

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда нарх-наво арзонлашди, энг муҳими ижтимоий кескинликни олдини олишга эришилди. Томорқа хўжалиги ишсизлик муаммосини ҳам бир қадар ҳал қилади. Ҳамма моддий неъматлар ишлаб чиқаришга қатнашиш имкониятига эга бўлади. Айниқса, болалик, уйда ўтириб қолган аёлларимиз, ўз томорқаларида етказилган маҳсулотларни шартномалар асосида колхоз ва совхозларга, кооперативташкилотларга, тайёрлов идораларига қайта ишлаш завод ва пунктларига топшириш ҳисобига меҳант дафтарчаси олиб, улар иш стажига киритилади ва минглаб аёлларимиз қариганда давлат пенциясини олиш хуқуқига эга бўлди. [10]

Совет хокимиятининг сўнги йилларида Фарғона водийсида ижтимоий соҳанинг медицина тармоғи ҳам йил сайин ўсиб борган талабларга етарли жавоб бера олмасди. Чунки сўнгги беш йилликлар давомида ижтимоий соҳанинг ушбу тармоғи эътибордан четда қолган эди. Жумладан, Андижон вилоятида 80 йилларнинг охирларида маданият объектлари, касалхоналар ва поликлиникалар бир вақтлар ёрдамчи бинолар, қисман мослаштирилган биноларда жойлаштирилган эди. Даволаш профилактика муассасалари биноларининг 90 фоизи санитария нормалари ва талабларига мутлоқо жавоб бермас, 79 фоизи канализацияга, 80 фоизи иссиқ сув таъминотига эга эмас эди, 12 фоизини эса умуман бузиб ташлаш лозим эди. Касалхоналардаги ўринлар тақчиллиги эса 2896 тани ташкил этарди.[2] Бундай ҳолат айниқса қишлоқларда ачинарли ҳолатда эди. Хусусан, 80 йилларнинг охирларида Фарғона вилояти қишлоқларида медицина хизмати ёмон ташкил этилган бўлиб, бундай муассасалар билан таъминланганлик даражаси нормадан паст, яъни 50 фоизни ташкил этарди. Ушбу вилоятда ҳам кўпгина даволаш муассасалари мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган эди. Буларнинг натижаси ўлароқ Фарғона водийсида, айниқса қишлоқларда турли хил юқумли касалликлар ва болалар ўлими юқорилигича қолмоқда эди.

Шу билан бирга ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида, хусусан, маданий, маиший, савдо соҳаларида хизмат кўрсатиш хизматларида ҳам қолоқликка йўл қўйилган эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ ҳам тобора

кучайиб борди. Фарғона водийси вилоятларида қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисидан сезиларли равишда кўп билишига қарамасдан, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ортда қолмоқда эди.

ХУЛОСА

Совет хокимиятининг сўнги йилларида Ўзбекистонда юз берган оғир иқтисодий танглик, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этиш йўлида ислоҳатлар тизимини амалга оширилмаслиги оқибатида мамлакат бўйлаб миллатлараро низо кўринишида кенг қамровда норозилик ҳаракатлари авж олди.

Ишсизлик, уй-жой муаммоси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бузилиш холатдаги биноларда фаолияти билан бир қаторда мустақиллик сари қадам ташлаган ҳалқнинг бошида мафкуравий тайзиқ ва қатоғонликнинг янги босқичи олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг 1989 йил июн ойидан эътиборан Республика биринчи раҳбари сифатидаги фаолияти натижасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлида тарихий одимлар юз бериб, мустақиллик сари қадам қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўша давр(1989-1991йиллар)нинг мураккаб сиёсий вазияти, оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволига қарамасдан республикамиз Биринчи Президенти етакчилигида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида энг аввало аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнига жиддий эътибор берилганлиги ҳозирги кун сиёсий барқарорлик, ижтимоий – иқтисодий тараққиёт натижаларига пойдевор вазифасини ўтади.

REFERENCES

1. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70—80-йиллар мисолида) - Т.: Шарқ, 1999. –105 б.
2. Халилов Ж. Андижон вилоятида социал муаммоларнинг ҳал қилиниши// Коммунист газетаси, №57 (16218), 1990, 22 март, -1 б.
3. Ёрматов Ф.Ж. “Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)”, диссертация, Тошкент -2010, -51 б.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”- Т.:Ўзбекистон, 2012. –10-35 б.
5. Коммуна газетаси. № 82 (18. 705, 1989 й 28 апрел, 1-бет
6. Коммуна газетаси. №16(19.139), 1991 й 23 январ, 4-бет
7. Коммуна газетаси. №20(19.143), 1991 й 29 январ, 3-бет

8. Коммуна газетаси. №114(19.237), 1991 й 20 июн, 2-бет
9. Коммунист газетаси. №31. (161 92) 1990 йил. 13 февраль. 3-бет
10. М. А. Абдуллаев, Б. М. Абдуллаев. Социал муаммоларнинг иқтисодий негизи.- Т.: 1990, - 15 б.
11. Ф. Рўзиев. Мустақилликнинг иқтисодий асослари.- Т.: Ўзбекистон, 1991. – 11.
12. Ғ.Ҳожиев, М.Қосимов. Экономика муаммолари ва ечимлари.// Коммуна газетаси, №82 (18.705), 1989, 28 апрель. -1 б.